Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union

SPHERA

ISBN: 978-83- 956810-3-5



INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON "EMERGENCY MANAGEMENT AND PUBLIC HEALTH RESEARCH IN ASIA

MAY 23, 2020

SAMARQAND FILIALI
KATHMANDU NEPAL
Universidad de Oviedo
Universidá d'Uviéu
STAFFORDSHIRE UNIVERSITY
TÉCNICO LISBOA
UNIVERSITY of NICOSIA

BA'ZI ANIQ INTEGRALLARNI INTERPOLYATSION KO`PXADLAR YORDAMIDA TAQRIBIY HISOBLASHNING YANA BIR USULI** ***Xo`jaxonov Zaylobiddin Zokirovich*	455-458
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГАЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ ***Балтабаева Манзурахон Мирзажановна***	459-463
ОРЗУЛАРИНГИЗ ТЕЗ ВА ОСОН АМАЛГА ОШИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?! ***Имомалиева Сайёрахон Эркинжон қизи***	464-469
ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИНИНГ ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИГИ ***Бобожонова Дилором Бобожоновна***	470-478
РОЛЬ АКМЕОЛОГИИ ВСОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА ***Хамидова НигораТулкуновна., Хуррамов Мансур***	479-483
КЎҲНА ВА НАВҚИРОН БУХОРО ШАҲРИДА ҚУРИЛИШ ВА ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАР ***Ҳаётова Нафиса Закировна***	484-492

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Балтабаева Манзурахон Мирзажановна

[1]Ўзбекистон Миллий университети, катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация:*Мақолада мустақиллик йилларида республикада олиб борилган солиқ сиёсатининг кичик бизнес ва тадбиркорлик тараққиётига таъсири, аёллар тадбиркорлигининг янги босқичида соддалаштирилган солиқ имтиёзларининг ўрни масалалари илмий жиҳатдан таҳлили қилинган*

Калит сўзлар:*кичик бизнес, тадбиркорлик, ҳаракатлар стратегияси, солиқ имтиёзлари, переференциялар, солиқ концепцияси, "яширин" иқтисодиёт, конвертация.*

КИРИШ

Ўзбекистонда истиқлол йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида аёллар ролининг ортиши, уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиши, оналик бурчларини бажариш билан ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолликларини муваффақиятли тарзда бирга қўшиб олиб бориш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар яратилди. Республика ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган туб ўзгаришлар, янгиланишлар натижасида хотин-қизларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятлари ривожланиб, янги босқичга кўтарилди. Бу борада Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган инновацион ёндашувларда хотин-қизларнинг фаоллигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди, натижада хотин-қизлар ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан аёллар тадбиркорлигида ҳам туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Шу ўринда солиқ соҳасида мутлақо янгича ислоҳотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз[1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси шундан далолат берадики, мамлакат тараққиётида кичик бизнес ва тадбиркорлик қай даражада аҳамиятга эга бўлса, амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Илғор мамлакатлар тажрибасига асосан, солиқ тизими жамият билан мутаносиб равишда ривожланиб ва ўзгариб борсагина, ундан жамият ривожига ва аъзоларига керакли даражада манфаат келади. Бироқ, республикада мустақилликнинг дастлабки даврида солиқ тизими догматик ҳолатга тушиб, тараққиётга тўсқинлик қила бошлаган эди. Буни қуйидаги таҳлилларда кўриш мумкин:

аввало, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки даражасидаги фарқ кескин ошиб кетди. Бу бутун дунёда тан олинган солиқларнинг адолатлилик тамойилига зид бўлиб қолди;

қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми иқтисодиётга салбий таъсир этиб келган бўлса, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига юқори солиқ ставкаларининг белгиланиши оқибатида солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини кўрсатишдан манфаатдорлиги йўқолиб, “яширин” иқтисодиётнинг авж олишини тезлаштирди;

солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари уларнинг ўзлари, давлат бюджети ва иқтисодиёт учун иқтисодий манфаат келтирмай қўйди;

солиқ имтиёзига эга бўлган корхоналарнинг банкротга учраши ҳолатлари ҳам рўй бера бошлади, соғлом рақобат муҳитига жиддий путур етказди;

мавжуд солиқ назорати инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, солиқ тўлашдан онгли равишда қочиб келган солиқ тўловчиларни адолатли жазолашни таъминлай олмади.

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ва улар дуч келадиган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида солиқлар юкини камайтирилиши ва солиқ сиёсатини босқичма-босқич амалга оширилиши тадбиркорлик соҳаси ривожини таъминлашга хизмат қилди.

1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизга, яъни 5,4 марта қисқарди[2].

Агар 1992 йилда корхаларнинг фойда солиғи ставкаси 45 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилга келиб у 7,5 фоизни ташкил этди. Тегишли равишда ягона ижтимоий тўлов ставкаси шу даврда 40 фоиздан 2 фоизга, микрофирма ва кичик корхоналар учун эса 15 фоизгача туширилди[3].

2010-2015 йиллар давомида, яъни 5 йил ичида солиқ юкини енгиллаштирилиши билан боғлиқ ислоҳотлар натижасида микрофирма ҳамда кичик корхоналар томонидан тўланаётган ягона солиқ ставкаси 7 фоиздан 5 фоизга, 2016 йилдан бошлаб эса иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатувчи корхоналарда ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Ягона солиқ ставкаси жорий қилиниб, Инқирозга қарши чоралар дастурига асосан кичик бизнес соҳасида бир қатор имтиёз ва преференциялар қўлланила бошланди[4]. Бироқ бу каби имтиёзлар ҳам вазиятни

юмшатмади. Ўзбекистонда солиқ юкининг умумий кўрсаткичи давлат бюджетининг мақсадсиз фондларига нисбатан 2017 йилда ўртача 19,5 фоиз, 2018 йилги дастлабки натижаларга асосан, ўртача 18,5 фоиз атрофида бўлди.

Давлат томонидан тадбиркор аёлларнинг қўллаб-қувватланиши, уларга солиқ тўлашда имтиёзларнинг яратилиши республика ҳудудларида тадбиркор хотин-қизлар сонининг ошишига, аммо айрим мутасадди раҳбарлар ва назоратчиларнинг таъмагирлиги ҳамда сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги улар фаолиятининг сусайишига сабаб бўлди.

Қарши туманидаги “Гулшан” хусусий фирмаси раҳбари Қундуз Каримова тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёллара барча шароитлар яратилганлигини, “йилдан-йилга савдо айланмасидан олинадиган солиқ ҳажми тушиб бораётганлигини” таъкидлагани холда, Жиззах вилоятидан якка тартибда фаолият олиб борувчи тадбиркор Матлуба Юсупова тадбиркорлик фаолияти учун шароитлар яхши эканлигини таъкидлагани ҳолда, аммо тегишли органларнинг айрим ходимлари таъмагирлигидан азият чекканлигини ва ўзининг тадбиркорлик фаолиятида чорасизликдан ноқонуний ишлашга мажбур бўлаётганлигини билдиради[5]. Бу каби ҳолатлар маҳаллий солиқларнинг йиғилувчанлик даражасининг тушиб кетишига, солиқ тўловчиларда солиқ тўламаслик кайфиятини кучайишига, охир оқибат солиқ маданияти даражасига пасайишига сабаб бўлди.

Бундай холатларга барҳам бериш ва мавжуд ҳолатни яхшилаш мақсадида республикада иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга чек қўйишга қаратилган имтиёзлар ишлаб чиқилди. Йиллик айланмаси 1 млрд. сўмдан юқори бўлиб, илгари соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаётган кичик корхоналар умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтказила бошланди[6].

Ҳозирги пайтда кўплаб мамлакатларда корхона ҳамда муассасалар фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5-39,5 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 1995-2016 йиллар мобайнида 38 фоиздан 7,5 фоизга туширилди[7]. Солиқ ставкасининг бундай сезиларли даражада пасайтирилиши хўжалик субъектлари учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, айланма маблағларни кўпайтириш, маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар экспортини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишда молиявий мадад бўлмоқда. Бундан ташқари у солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳамда даромадларни яшириш даражасини камайтириш, йиғилаётган солиқларнинг тўлиқлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Олдин амалда бўлган солиқ тартиби иш берувчи кичик корхона эгалари ва тадбиркорларга ўз ходимларига маош тўлашларида ҳам қийинчиликлар туғдирарди. Ходимга тўланадиган 1 миллион сўм маошдан 300-450 минг сўмгачаси солиққа олинарди. Шунинг учун корхона раҳбарлари ходимлари сонини яшириб, улар маошини “конвертда” берар эди. Натижага кўра, бугунги кунда республикада 13 млн.дан ортиқ меҳнатга яроқли фуқароларнинг иш ҳақидан солиқ тўлайдиганлар сони 4,6 млн. ташкил қилмоқда, бу холат давлат бюджетига ҳам катта зарар келтирмоқда[8].

Янги солиқ концепциясига кўра жисмоний шахслар эндиликда 12 фоизлик ставкада даромад солиғи тўлайдиган бўлди, жаҳон солиқ тизимида бу кўрсаткич ўртача 20 фоизни ташкил қилади[9]. Натижада, ҳозирда республикада юридик шахс сифатида эмас, балки якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун давлат рўйхатдан ўтаётган тадбиркорлар кўпайди. Шу билан бирга тадбиркорлик ривожидаги яна бир янгилик тадбиркорлик субъектлари сифатида хотин-қизлар ҳам 5 минг долларгача қийматга эга бўлган, кўргазмага мўлжалланган товарларни хорижга бемалол олиб чиқиш имкониятига эга бўлди, экспорт контрактини тузиш ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш каби талаблар бекор қилинди. Тегишли ҳужжатларга эга товарлар сотилгач, тадбиркорлар маблағни Ўзбекистондаги тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказишлари ёки нақд ҳолда олиб киришлари мумкин бўлди[10].

Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган ҳалол солиқ тўловчиларга (солиқларни кейинги икки йил давомида ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаган) икки йиллик солиқ таътилини олиш имкониятлари яратилди. Бугунги кунда бутун дунёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам Covid-19 коронавируси билан боғлиқ муаммолар юзага келган бўлишига қарамай, республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган солиқ сиёсатига кўра тадбиркорларга солиқ таътилларининг берилиши ҳам, тадбиркор хотин-қизларга ўз фаолиятларини талофотсиз олиб боришлари умун имконият яратмоқда.

Метод. Мақолада қиёсий-таҳлил усулидан фойдаланилди.

ХУЛОСА

2017-2020йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиққа тортишда кескин ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, охирги уч йилда Ўзбекистон хотин-қизларининг мазкур соҳада қатор ютуқларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлди. Ўзбекистонда хотин-қизлар республика аҳолисининг 49,7 фоизини ташкил этади[11], тадбиркорликни

қўллаб-қувватлаш борасидаги солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш тизимини соддалаштирилиши ва уларнинг соҳа ривожига таъсири, тадбиркор хотин-қизлар учун янги имкониятлар йўл очиб бермоқда. Зеро, Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар мавжуд, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган аёллар салмоқли ўринни ташкил этмоқда, уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётида ва халқ фаровонлиги ошишида алоҳида ўрни бор.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. –Б.27.
3. Воронин С. Солиқ тизимидаги янгиланишлар (тадбиркорлик ривожида ҳал қилувчи ўрин тутади//Халқ сўзи, 2017 йил 11 июль.
4. Шодиёр Сайф “Ўзбек тадбиркор аёллари сони ошмоқда экан, шароит яратилганми?(Электрон ресурс). Кириш режими:https://www.bbc.com/uzbek(мурожаат қилинган сана 7.10.2019).
5. Ҳудойқулов С. Солиқ соҳасидаги ўзгаришлардан ким қандай наф кўради//Халқ сўзи, 2019 йил 13 март.
6. Ғофуров Б. Солиқ концепцияси: фуқарога, бизнесга, жамиятга нима беради?//Халқ сўзи, 2018 йил 1 август.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги Фармони. http://uza.uz> society.
8. Зияева Д. Бизнесга оид қонунларга қисқа изоҳ:http:// kommersant.uz/uztag/sol.
9. Ўзбекистон аҳолиси сони ҳақида янги маълумот: http://telegram.mejoinchat/AAAAaFMy0iy2r1zCqpTaCw